



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUT REKTORINING

BUYRUG'I

20 19 yil " 04 " 05 376 -son

Toshkent sh.

Институтда 9 май – Хотира ва кадрлаш кунни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 апрелдаги "Хотира ва кадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4298-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 26 апрелдаги 383-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 апрелдаги "Хотира ва кадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4298-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.
2. Мазкур буйруқнинг 1-иловасидаги "9 май – Хотира ва кадрлаш кунни, умумхалқ байрамига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси"да белгиланган вазифалар ўз вақтида амалга оширилсин.
3. Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор З.А.Юлдашев, ишлар бошқармаси бошлиғи Ш.Қ.Собиров ҳамда ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Н.Х.Ашуроваларга:
 - 3.1. Институт профессор-ўқитувчилар, фахрийлар, нуронийларни жалб этган ҳолда талабалар ўртасида 9 май – Хотира ва кадрлаш кунни, умумхалқ байрамига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилсин.
 - 3.2. Байрам билан боғлиқ сарф – харажатлар институтнинг бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан қоплансин.
4. Ушбу буйруқ назорати ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор З.А.Юлдашев зиммасига юклатилсин.

Асос: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 26 апрелдаги 383-сонли буйруғи.


Ректор

И.И.Алимджанов

ASLIGA TO'G'RI



Тошкент фармацевтика институтининг
2019 йил 9 майдаги 376 - буйруғига
илова




Тошкент фармацевтика институтининг 9 май – Хотира ва қадрлаш куни, умумхалқ байрамига бағишланган тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режаси

№	Тадбирлар номи	Ижро муддати	Масъуллар
1.	9 май Хотира ва Қадрлаш куни арафасида Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Қатағон қурбонлари хотираси музейи, Қуролли Кучлар тарихи давлат музейларига талабалар ташрифларини кенг ташкил этиш.	1-9 май	“Мураббийлар” кенгаши раиси Н.С.Салимсакова, Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Н.Х.Ашурова, Факультет деканлари
2.	Институт талабалари 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни арафасида ҳарбий қисмларга ташрифини уюштириш ва у ерда ҳарбий-ватанпарварлик ўйинларини ташкил этиш.	1-9 май	Ёшлар иттифоқи БТ раиси Ф.Ш.Намозов, Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Н.Х.Ашурова, Факультет деканлари
3.	Институт ва академик лицейда уруш ва меҳнат фаҳрийлари иштирокида “Мардлик, бурч ва садоқат” ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги фильмлар ва лавҳалар намойиш этиладиган дарсларни ўтказиш.	Апрель-май	Ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича проректор З.А.Юлдашев, Ўқув-услубий бўлим бошлиғи Н.А.Абзалова, АТМ бошлиғи А.Байдуллаев, Академик лицей директори И.Сагатов

4.	Вафот этган уруш ва меҳнат фаҳрийлари ҳамда мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг қабрларини ободонлаштириш.	Апрель-май	Ёшлар иттифоқи БТ раиси Ф.Ш.Намозов, Факультет деканлари
----	--	------------	--

Ёшлар билан ишлаш, маънавият
ва маърифат бўлими бошлиғи



Н.Х.Ашурова

ALJUNA TURKI